МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

# САМАРҚАНД БОҒЛАРИ

Самарқанд боғлари... «Бобурнома»да қайд этилишича, узоқ замонларда ҳам Самарқанд боғ-роғларга бурканган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида бу ерда ўндан зиёд боғ яратилган. Боғи Баланд, боғи Беҳишт, боғи Дилкушо, боғи Зоғон, боғи Чинор шулар жумласидан.

Ўтмишда Самарқандга ташриф буюрган Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, шарқдаги бу қадимий шаҳар атрофида боғ ва токзорлар шунчалик кўп бўлганки, даладан қайтаётган одам тўхтаб, ортига қараса, улар бамисоли ўрмондай ястаниб ётган. МирЗо Улуғбек ҳам бобокалонлари анъанасини давом эттириб, кўплаб боғ-роғлар барпо қилган. Улар четидаги ариқлардан шарқираб сув оққан. Булбул, товус-турли хил паррандалар хониши одамларга қувонч берган. Етиштирилган ноз-неъматлар эса эл дастурхонига файз киритган.

Буларнинг ҳаммаси тарихга, узоқ ўтмишга тегишли. Ҳозир соҳадаги аҳвол қанақа? Афсуслар бўлсинки, Бобур ёки Клавихо қаламга олган ўша боғ ва токзорлар ўрнида эндиликда фақат пахта майдонларини учратасиз. Шу боис аҳоли жон бошига мева ва узум етиштириш даражаси паст, бозорда эса уларнинг нархи осмонда. Бир кило олма 5—6, майиз ва ёнғоқ 9—10 сўм.

Вужудга келган аҳволдан қутулиш учун нима қилиш керак? Жумҳурият Компартиясининг ҳаракат дастурида: «Пахта якказироатчилигини тугатиш республикада мева-сабзавот комплексини жадал ривожлантириш учун шароит яратади», дейилади. Бу борада, айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятининг партия ва совет ташкилотлари муайян тадбирларни рўёбга чиқармоқдалар. Бултур боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган «Даҳбед», Бобур номли, «Зарафшон», «Навбаҳор», «Правда Востока», Ҳамид Олимжон номли янги хўжаликлар ташкил этилди. Диққатга сазовор томони шундаки, мазкур майдонларнинг кўпида авваллари асосан пахта етиштириларди.

Жомбой районидаги «Навбаҳор» колхози азаматлари кузда 13 минг 520 туп мевали дарахт, 40 минг туп ток кўчатлари ўтказиб, 80 гектар майдонда боғ ва токзорлар барпо этдилар. Оқдарё районидаги Энгельс номли колхозда 100 гектардан зиёд ерга ниҳоллар экилди. Пайариқ районидаги Навоий номли колхозда эса қишлоқ оқсоқоллари ташаббуси билан 8 гектарда боғ яратилди. Унга «Дўстлик боғи» деб ном берилди. Шу райондаги Карл Маркс номли колхозда Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилалчи жангчилар Тошмуҳаммад Мардиев ва Аслиддин Бoлиев хотирасига 6 гектарлик мевазор барпо этилди. Уни яратишда оқсоқоллар, колхоз ва район раҳбарлари, колхозчилар ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари фаол қатнашдилар. Кўчатларни парваришлашни қаҳрамонлардан бирининг отаси Қўчқор Мардиев ўз зиммасига олган.

Қўшработ районидаги Свердлов номли совхоЗда ҳам токзорлар ва боғлар кенгаймоқда. Бу ерда сув танқислигига барҳам бериш мақсадида томчилатиб суғориш усули қўлланилмоқда. Хусусан, ўтган йили янги усулда 35 гектар токзор барпо этилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 65 гектарга етди. Мевали дарахтлар экиш ҳам эътиборда.

— Сўнгги йигирма йил мобайнида атиги 7 гектарда боғ яратилган эди, — дейишди боғбонлар. — Шу кўкламнинг ўзида 5 гектар мевазор ташкил қилдик.

«Зармитан» колхози соҳибкорлари майизбоп токзорлар майдонини 194 гектардан 450 гектарга етказишни мўлжаллашаяпти. Март-апрель ойларида 50 гектар ерга қаламчалар ўтқазилди.

— Самарқанд шаҳрини ўраб турган 67 километр узунликдаги халқа йўл атрофида кўкаламзорлаштириш ишлари жадал бормоқда, — дейди вилоят мева-сабзавот ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси Абдушукур Муҳаммадқулов. — Бу ерда ўрикзорлар, олмазорлар, ёнғоқзорлар барпо этилади. Шу мақсадда 200 гектардан зиёд майдонга мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Келгусида боғ-роғлар 1.100 гектарни эгаллайди.

Ният яхши. Лекин бунинг учун аввало сўз ва иш бирлиги таъминланиши керак. Бултур кузда 13 миллион 100 минг туп кўчат ўтказиш белгиланган эди. Амалда унинг ўндан бир қисми рўёбга чиқарилди, холос.

Яхшидан боғ қолади. Самарқанд районидаги Янгиариқ даҳасидан ҳар гал ўтганимда, шовуллаб турган боғларни кўриб ҳайратга тушаман. «Самарқанд» агросаноат комбинатининг бош директори Раббим Қодировнинг айтишича, 1.600 гектарлик бундай боғ фақат Молдавияда бор. Уни кенгайтириш, таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, кўкламда 120 гектар майдонга турли хил кўчатлар ўтқазилди. Яқин йиллар ичида эса боғ сатҳи 2 минг гектарга етказилади.

Қўшработлик меҳнат ветерани Ҳусан Ҳакимов ўттиз йил мобайнида тоғлар орасидаги Пангат қишлоғида ва бошқа гўшаларда серфайз боғ ва токзорлар барпо этди. Айниқса, сўнгги йилларда унинг ташаббуси билан район марказига кираверишдаги адирда яратилган мевазор ва чойхона отахонларнинг севимли истироҳат масканига айланган. Шу районнинг Юқори Сарой қишлоғида уруш ва меҳнат ветеранлари Мансур Ҳайдаров ва Қобил Очилдиев томонидан бунёд этилган токзор ва боғлар кейинчалик янги «Зармитан» колхозига асос бўлди.

Иштихон райони марказидаги истироҳат боғига қадам қўйган одам беихтиёр унинг ижодкорларига таҳсинлар айтади. Бу серфайз масканнинг ташаббускорларидан бири марҳум Мурод Жўраев хотираси кўпчиликнинг ёдидан чиққани йўқ.

Хизмат юзасидан Андижонда бўлганимизда, таниш-билишлар шаҳарга кўрк бағишлаган сўлим ва хушҳаво Боғишамолни кўрсатишган. У вилоят партия комитетининг собиқ биринчи котиби Бектош Раҳимов ташаббуси асосида яратилганини мамнуният билан айтишганди. Бектош Раҳимович Самарқандда ҳам хайрли из қолдирди. Кўҳна шаҳарнинг шарқ томонидаги Чўпонота адирлари этагини ободонлаштиришга жон куйдирди. Бу жойга насослар кўмагида оби ҳаёт чиқарилиб, минглаб туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди, кейинчалик унинг негизида замонавий истироҳат боғи ташкил этилди.

Самарқандликлар обкомнинг собиқ биринчи котиби Назир Ражабов номини ҳам эҳтиром билан тилга олишади. У вилоятда ишлаган қисқа муддат мобайнида қурилиш, ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда дов-дарахтларни, хусусан, мевали дарахт турларини кўпайтиришга жиддий аҳамият берди. Ленин номли майдонда катта боғ барпо этилди.

Бундай мисоллар кўп. Боғ-роғлар яратишдек хайрли ишга бош-қош бўлган олижаноб инсонлар яқин ўтмишда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Кейинчалик ҳам бўлади. Мевали ва манзарали ниҳоллар экиш, токзорлар ва ўрмонлар барпо этиш икки ойлиги давомида вилоятда амалга оширилган қатор тадбирлар бунинг ёрқин мисолидир.

Аммо шу ўринда масаланинг муҳим жиҳатини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Дарахт кўчатларини экиш билан боғ яратилиб қолмайди. Ҳар туп ниҳол бамисоли мурғак гўдакдай. Мўл ҳосил олиш учун уни авайлаб-асраш, пешона тери тўкиш, парваришлаш керак. Бусиз қилинган меҳнат елга совурилади. Мисолларга мурожаат этайлик. Областда кўкаламзорлаштириш икки ойлигига бағишлаб ўтказилган йиғилишда таъкидланишича, ҳар йили 6—7 миллион туп турли хил дарахт кўчатлари ўтқазилади. Агар уларнинг ҳаммаси кўкарганида эди, вилоятимиз аллақачон боғ-роғлар ва гулзорларга айланарди. Афсуски, амалда бошқача манзарага дуч келасиз. Сабаби — куз ва баҳор ойларида экилган минг-минглаб туп ниҳоллар қаровсизликдан нобуд бўлаяпти. Тутиб кетганлари 30—50 фоиздан ошмаётир.

Бу борада Самарқанд районидаги Куйбишев номли колхоз правлениеси раиси Ҳабиб Тоғаевнинг мулоҳазалари диққатга сазовор.

— Кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш соҳасида баландпарвоз рақамларга маҳлиё бўлиш ўрнига экилганлари парваришига кўпроқ эътибор беришимиз керак, — дейди у. — Ана шунда меҳнатимиз рўёбга чиқади. Яқинда бўлиб ўтган бир мунозара сира ёдимдан чиқмайди. Кўкаламзорлаштириш масаласига бағишланган йиғилишдан қайтаётгандик. Район комсомол комитетининг котиби: «Хўжалигингиздан пича ер ажратсангиз, ёшларимиз кўчат экишса, ишимиз кўзга кўринарди», — деб қолди.

Мен комсомол-ёшларга бундан ҳам муҳимроқ юмушни таклиф этдим. «Улар мавжуд боғ-роғлар парваришига кўмаклашсалар, фойдалироқ иш қилган бўлишарди», — дедим. Колхозимизда 456 гектар боғ бор. Ҳар колхозчига ўртача 10 гектардан тўғри келади. Табиийки, бу майдон бир кишига оғирлик қилади. Боғнинг юмуши кўп. Дарахтлар остини юмшатиб озиқлантириш, суғориш, уларга шакл бериш, ҳашаротларга қарши дорилаш ва ҳоказо. Ҳаммасига қўл кучи керак. Тўғри, одатда боғ қатор оралари трактор билан ҳайдалади. Лекин барибир дарахт тубида бир-бир ярим квадрат метр ер ишлов берилмасдан қолади. Натижада ўша жойни қалин ажриқ босади, ҳосилга путур етади. Менимча, кўчат экиш билан бирга унинг парвариши ҳақида ҳам бош қотирилиши керак.

Яна бир мулоҳаза. Ҳозир олма, ўрик, шафтоли, олхўри—хўжаликларда ўтказилаётган мевали дарахтларнинг асосини шулар ташкил этмоқда. Айни пайтда ёнғоқ, жийда ва тут эътибордан четда қолаётир.

Пайариқ районидаги «Коммунизм» колхозида Баҳром Самадов исмли олижаноб инсон истиқомат қилади. Унинг асли касби-педагог, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Баҳром ака оиласи кўп йиллардан буён колхоз билан тузилган шартнома асосида тут кўчати етиштиради. Ўтган муддатда улар колхозлар ва совхозларга, қўшни районларга минг-минглаб туп ниҳол етказиб беришди. Устига устак яна қанчадан-қанча ихтисослашган хўжаликларда ҳам тут кўчати етиштирилмоқда. Табиий савол туғилади: нега тут меваси анқонинг уруғи?

Шу сатрларни битаяпман-у, беихтиёр кўз олдимда ҳамқишлоғим Саврон бобо гавдаланади. Ёши саксондан ошган бўлсада, у ҳар йили ёзда Нурота тоғ тизмалари орасидаги қишлоқдан юз километрдан ортиқ йўл босиб, тутхўрлик қилиш учун шаҳарга тушади. Техникумлардан бирида ўқитувчилик қилувчи ўғлиникида бир-икки кун меҳмон бўлиб, бозордан шундай неъмат сотиб олади. Қайтишда кампирига ҳам бир челагини олиб кетишни унутмайди. Негаки, тут-ғоят тўйимли, шифобахш мева. Қадимда ундан шинни ва майиз тайёрлашган. Лекин қани ўша неъмат? Фарзандларимиз ҳатто унинг таъмини билишмайди.

Сабаби аён: ипак қурти деб мавжуд тутлар меваси пишар-пишмас каллаклаб кетилаверди. Бу ҳол одамларнинг тутчиликка бўлган ихлосларини қайтариб қўйди. Ўйлаймизки, жумҳуриятимизда пахтачиликда бўлаётганидек, пиллачиликда ҳам соғлом фикр тантана қилади, планлаштиришдаги номутаносибликларга барҳам берилади. Ўшанда қишлоқ меҳнаткашлари дастурхонидаги ноз-неъматлар орасида тут ҳам пайдо бўлади.

Ҳар қарич ер ҳисобда бўлган ҳозирги шароитда мева-чевани янада кўпайтириш учун тоғлар имкониятидан фойдаланиш керак. Улар ўлкамизда каттагина майдонларни эгаллаган эмасми, бу соҳага салмоқли улуш қўшиши мумкин. Нурота тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағридаги Ухум, Можирим, Синтоб, жанубий қисмидаги Пангат дараларида асрий ёнғоқзорлар ақлни лол қолдиради. Улар асосан парча-пурча текисликларида, шунингдек, илонизи ариқчалар четларида кўкка бўй чўзганки, ҳар йили тонналаб шифобахш мева олинмоқда.

Афсуски, ҳозирча тоғларнинг ана шу бебаҳо имкониятидан етарли даражада фойдаланилаяпти деб бўлмайди. Эътирозимиз Нурота тизмаларининг жанубий ёнбағирларига кўпроқ тегишли. Бу ерда тупроқ-иқлим шароити ноёб мевали дарахтлар ривожи учун қулай бўлган дара ва сойликларнинг умри бекор ўтмоқда. Мутахассислар билан суҳбатлашганимизда, улар ниҳолларни чорва молларидан асраб қолиш мушкуллигини таъкидлашди. Бу фикрда жон бор. Негаки, тоғ ёнбағирларининг давлат қўриқхонасига кирмаган қисмидан маҳаллий аҳоли ҳамда хўжаликлар табиий яйлов сифатида фойдаланмоқдалар.

Бизнингча, юқорида қайд этилган масалага янгича ёндашишнинг пайти келди. Тоғларда боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий аҳолидан махсус бригадалар, звенолар тузилиши, жами майдон ижарачиларга — оилавий звеноларга берилиши керак. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сим тўр ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш зарур. Ана шунда тоғларимиз ёнғоқ, писта, бодом, ўрик—тансиқ мевалар етиштириладиган бебаҳо хазинага айланади.

Қадим-қадимдан Зарафшон дарёси ўзани табиий тўқайзорларга бой. Эндиликда уларнинг ўрнида экинзорлар яратилаяпти, дала ҳовлилар қурилмоқда. Натижа чаканда, ёввойи жийда каби шифобахш мевали буталар нобуд бўлаётир. Дала-даштларда сунъий ўрмонзорлар барпо этилаётган бир пайтда қайир ерларда табиатнинг ўзи инъом этган яшиллик олами топталаётгани шафқатсизлик эмасми? Наҳотки, бунинг учун виждонимиз қийналмаса? Дарё ўзанидаги табиий тўқайзорлар нафақат биз, балки келажак авлод учун сақлаб қолиниши шарт.

Айни пайтда йўл ва ариқ ёқалари, дала шийпонлари, томорқа четларига терак экаётган одамларни, хўжаликларни қўллаб-қувватлаш керак. Фарзандларга атаб терак ўстириш —ота-боболаримиз удуми. Жумҳуриятимизда одамларга уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилаётган, лекин қурилиш материалларига эҳтиёж бекиёс ошаётган ҳозирги шароитда бу айниқса муҳимдир. Иштихон районидаги «Муродобод» колхози, Нарпай районининг қатор хўжаликларида дарё соҳилидаги майдонларда кўплаб терак ўстирилмоқдаки, уларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш зарур.

Модомики, боғ-роғларни кенгайтириш, мева-чева етиштиришни кескин кўпайтиришга киришилган экан, уни саранжомлаш муаммоси ҳам сира кечиктирилмасдан ҳал этилиши лозим. Бунинг учун эҳтиёжга яраша совутиш ускуналари билан жиҳозланган омборхоналар, қайта ишлаш корхоналари ва цехлари қуришни жадаллаштириш талаб этилади.

Боғдорчилик соҳасида муаммолар кўп. Уларни бартараф этиш учун албатта муайян муддат, саъй-ҳаракат, куч-ғайрат, ҳамжиҳатлик даркор. Боғлар болга тўладиган ўша кунларни элимиз орзиқиб кутаяпти. У кунлар эса ҳозирча ширин бир орзу.

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

## УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

24 апрель куни Кремлда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов ХХРнинг Синьцзян—Уйғур автоном райони халқ ҳукуматининг раиси Тумур Даваматни қабул қилди. У Москвага ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Ли Пэн бошчилигидаги делегация таркибида келди. Суҳбат чоғида томонлар Совет—Хитой муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар, Синьцзян—Уйғур автоном райони билан унга чегарадош Ўрта Осиё совет республикалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Суҳбат самимий дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР СЪЕЗДИ

24 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон кинематографчиларининг съезди очилди. Съезднинг кун тартибига кўра, республика экран усталарининг сўнгги тўрт йил мобайнидаги фаолияти якунлари ва келгусида улар амалга оширадиган вазифалар муҳокама қилинади. Съездда Москва, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон вакиллари иштирок этишмоқда.

Ижодий уюшма бошқарувининг биринчи секретари М. Қаюмов съездда маъруза қилди. «Ўзбекфильм» студиясининг директори А. Хўжаев, илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг директори Д. Салимов, «Ўзбектелефильм» директори А. Абдураҳимов ўзлари бошқараётган коллективлар фаолияти тўғрисида ахборот бердилар.

Нутқлар юзасидан мунозара авж олиб кетди.

Съезд СССР Кинематографчилари уюшмаси VI съездига делегатлар сайлайди.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

## СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

### ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРДАН ЭСДАЛИК ТАНГАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

1990 йилнинг 23 апрелида «Рус Америкаси» кашф этилганлигининг 250 йиллигига ва балетга бағишланган тангалар икки туркуми муомалага чиқарилади: кумуш тангалар — қиймати 3 сўмлик (қимматбаҳо металлнинг соф вазндаги оғирлиги 31,1 грамм, қотишма пробаси 900), платина тангалар — қиймати 150 сўмлик (15,55 гр., 999), палладий тангалар-қиймати 25 сўмлик (31, 10 гр; 999.), палладий тангалар — қиймати 10 сўмлик (15,55 гр., 999).

Тангалар диаметри тегишли тарзда 39 миллиметр, 28,6 миллиметр, 37 миллиметр, 30 миллиметр бўлиб, доира шаклига эга.

Тангаларнинг олд томонида СССР Давлат гербининг тасвири жойлаштирилган бўлиб, унинг пастида «СССР», қуйи қисмида эса икки қаторда тангалар қиймати тегишли тарзда: «3 рубля», «150 рублей», «25 рублей», «10 рублей» сўзлари ёзилган ва бу сўзлар тагида танга зарб этилган йил «1990» ёзуви бор. Қуйи сегментда сўл ва ўнг томонда қисқа чизиқчалар бўлиб, унинг остига металлнинг Д. И. Менделеев химиявий элементлар даврий жадвалидаги белгилари, қимматбаҳо металл соф массаси, қотишма пробаси ва зарбхона белгиси туширилган.

Муомалага чиқарилаётган тангалар:

«Рус Америкаси» 250 йиллигига бағишланган тангалар туркуми «пруф» сифати билан қуйидаги тиражда тайёрланган:

— кумуш тангалар — 25000 дона;

— платина тангалар — 6500 дона;

— палладий тангалар — ҳар тури 6500 донадан.

Рус балетига бағишланган тангалар туркуми икки хил сифат билан ва қуйидаги тиражда тайёрланган:

қиймати 25 сўмлик танга — 30000 дона, шу жумладан «пруф» сифати билан 3000 дона;

қиймати 10 сўмлик танга — 15000 дона.

Мазкур тангалар СССРда ва чет элларда коллекция нархида сотишга мўлжалланган.

## ЧЎПОН ГУЛХАНЛАРИ СЎНМАСИН

Тушдан кейин ҳавонинг авзейи ўзгариб, салқин шамол эса бошлади. Осмон қўрғошин тусини олиб, кулранг булутлар кўкни қоплади. Севалаб ёға бошлаган ёмғир кучайди. Иссиқ тафтидан ҳолсизланган ўт-ўланларга бир зумда жон кирди. Борлиқ яшариб, атроф яшнаб кетди. Даштнинг ғуборли ҳавоси мўътадиллашиб, эсаётган шабада кишига хуш ёқар эди. Бу пайт биз тушган машина уфққа туташ Ўртачўл йўлида яйлов узра елиб борарди. Ўт-ўйланлардан, беназир гиёҳлардан ажиб бир бўй таралиб, киши кўнглига равшанлик бағишлайди. Яйлов гўзаллигига маҳлиё бўлиб борарканмиз кўзимиз бўйи бир-бир ярим метрлар чамаси келадиган, саватсимон сарғиш гулли ўсимликка тушди. Ҳамроҳларимиздан бири, Муборак район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Бобоқул Нурмаматов ҳайратимизни сезиб:

— Бу ўсимлик раво — дея изоҳ берди, — барглари тиканли, гули чиройли. Қўй буни ҳозир емайди. Сабаби ўзидан бадбўй ҳид таратади. Ёз ойларида пишиб, уруғи ерга тўкилгандан сўнг, унинг уруғи қўйнинг жони — еб тўймайди. Табобатда раводан ҳар хил дорилар тайёрлашади.

— Нега раво деб аташади?

— Раво тик, равон ўсади. «Равон» сўзининг ўзгаргани бўлса керак.

Суҳбат билан бўлиб Ғайбулла чўпоннинг ўтовига етиб келганимизни сезмай қолдик. Қотмадан келган, буғдой рангли, қизғиш мўйловли Ғайбулла ака бизни ўтов олдида қарши олди. Баландликка тикилган ўтовдан олис-яқин яққол кўриниб турибди. Атрофда қўй-қўзилар ўтламоқда. Олисларда Муборак олтингугурт заводининг минорасидан чиқаётган газ машъаласи кўзга ташланади. Шамол аралаш ёмғир кучайди. Унинг эпкинидан ўт-ўланлар оҳиста тебранди.

— Қўйларни қўшга ҳайдамабсиз, ёмғир зиён қилмайдими?

— Саврнинг савалаб ёғадиган ёмғири қўй баданига малҳамдек ёқади, жунини ўстиради. Жала ёмон. Қўй баданини жавратиб юборади.

Ўтовга кирдик. Гумбазсимон қурилган уйга бемалол ўттиз чоғли одам жойлашар экан. Унинг тепа томонига айлана туйнукдан ёруғлик тушиб турибди. Ичкарига печ ва кўчма газ ўрнатилган. Бу ерда чорвадор учун етарли шароит мавжуд.

Ғайбулла аканинг чўпонлик қила бошлаганига ўн икки йилдан ошди. Шундан буён меҳнатда илғор. Ҳар йили мўлжални қўлга киритади. Ўтган йил ҳам ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи, ҳар қўйдан 3 килограммдан жун топширди. Қўзиларнинг 90 фоизини ўстиришга қолдирган. Бу йил ҳам чўпоннинг ишлари дуруст: 650 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 106 тадан қўзи олиб, тўлни якунлади. 85 фоиз қўзини парваришга қолдирди. Йил охиригача бошқа планлар ҳам бажарилади. Мурод Наврўзов, Йўлдош Дарвешев, унинг ўғли Тожи Дарвешевлар Ғайбулла аканинг шогирдлари.

— Турғунлик йилларида чорвадорлар ҳаётида ҳам кўнгилсизликлар юз берди. Қўшиб ёзишлар, шунга ўхшаш айрим кўзбўямачиликлар содир бўлди.

— Гапларингиз тўғри. Бунинг учун оддий чўпон айбдор эмас. Меҳнат кишиси ўша вақтнинг олий мартабали айрим раҳбарлари томонидан чалғитилди. Чўпон ўз ҳисобидан бўлса ҳам ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 180—190 тадан қўзи топширди. Йўқ нарсалар бор қилиб кўрсатилди. Айниқса СЖК усули чорвадорнинг бошига битган бало бўлди. Бу усул қўйчиликнинг ривожига тўсиқ бўлди. Сон кетидан қувилиб, сифатга эътибор берилмади. Дунё бозорида маҳсулотимизнинг баҳоси пасайиб кетди. Олимларимизнинг бу соҳадаги илмий «кашфиётлари» халқ учун қимматга тушди. Хайрият бу балолардан қутилиб, эркин нафас ола бошладик...

— Сизни совхозда Ленин ордени билан мукофотланган чорвадор дейишади.

Ғайбулла ака кулиб қўйди. Сўнг шошилмай деди:

— Бу орденни мен чорвадор сифатида олган эмасман. Лекин ота-бобом чорвадор, авлод-аждодим қўйчивон бўлган. Ўртачўлда ҳамма билади. Бундан анча йиллар муқаддам касбимни ўзгартиришга тўғри келди. Қўйчивонликни ташлаб саноатчи бўлиб кетдим. Шаҳримиз яқинидаги газни қайта ишлаш заводига ишга кирдим. Ўн йилдан кўпроқ оддий ишчи бўлиб ишладим. Шу ерда меҳнатим эвазига ҳукумат мукофотига сазовор бўлдим. Лекин юракдаги бор гапни айтсам, — аждодларим касби мени тушимда ҳам, ҳушимда ҳам тинч қўймади. Бу касбга бўлган муҳаббат, безовталик мени тарк этмади. Чўпонлик касбига қайтишга тўғри келди.

Шу вақт мотор овози эшитилди. Ғайбулла ака ташқарига ошиқди. У ичкарига бир неча кишини бошлаб кирди. Улардан бири — совхоз директори Ҳайит Оқмаматов, ўтов эшигидан кириб келаркан, очиқ кўнгил, туркман қардошларга хос такаллуф билан «Келинглар, меҳмонлар, келинглар», деб бизга илтифот кўрсатди. Пойгароқда тиз чўкиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Хўжалик бош ҳисобчиси ва фаоллар билан тўлни сарҳисоб қилиб юрганини, эрта тонгдан шу пайтгача тўртта фермани кўриб чиққанини суҳбат орасида гапириб қолди. Ғайбулла чўпоннинг ҳам аҳволидан хабар олиш учун бу ерга келганлигини айтди.

Ҳайит Оқмаматов ўн тўрт йилдан буён хўжаликка бошчилик қилиб келмоқда. Совхозни қабул қилганда ҳали ёши ўттизга ҳам етмаган навқирон йигит эди. Ўзи муборaклик, чорвадорлар оиласидан. Узоқ йиллар катта бир хўжаликка бош бўлиш, унинг увол-савобига жавоб айтиш, одамлар ҳаёти ва тақдири ҳақида бош қотиришнинг ўзи бўлмас экан. Олтмиш йилдан ортиқ «яшаб» келаётган бу хўжалик шу йиллар мобайнида юксалиш даврларини ҳам, иқтисодий нотекислик дамларини ҳам бошдан кечирди.

«Муборак» давлат наслчилик заводи коллективи эришаётган муваффақиятлар ҳамда баъзи муаммолар ҳақида Ҳайит Оқмаматов шундай ҳикоя қилди:

— Хўжалигимизда бу йилги баҳор мавсуми ёмон ўтмади. 56 минг бош қўйдан 31 минг 800 таси совлиқ. Буларнинг ҳар юзидан 105 тадан қўзи олинди. Дилмурод Отамуродов, Саид Рўзиев, Жуманазар Қуллиев, Наврўз Авазов, Қурбон Алиевлар бошлиқ фермаларда тўл олиш тўлиқ тугалланди. Беҳбуд Маҳмудов, Самандар Норбоев, Қурбон Оймаматов, Чўли Куллиевлар бош чўпон бўлган отарларда ҳар юз совлиқдан 110—115 тадан қўзи олинди. 90 фоиз қўзини ўстиришга қолдирдик.

Хўжаликнинг бошқа етакчи мутахассислари айтишича, ҳар бир бош қўйни боққани учун давлат чўпонга 50 тийин ҳақ тўларкан. Қўшни Туркманистон республикасида эса бу рақам икки баравар ортиқ. Сабаби, Туркманистоннинг табиий шароити Ўзбекистонникидан фарқ қилармиш. Хўш, шундай ҳам дейлик. Лекин Муборак, Баҳористон, Усмон Юсупов районларида ёзда иссиқлик даражаси Туркманистондагидан қолишмайди-ку. Фикримизча, ўзбекистонлик қўйчивонларга ҳам ҳақ тўлаш масаласини қайта кўриб чиқиб, социал адолатни тиклаш зарур.

Чорвачилик маҳсулотларини баҳолашда ҳам адолат тарозуси бир хилда эмас. Давлат қоракўлчилик хўжаликларидан бир дона қоракўл терини 31 сўмга сотиб олиб, жаҳон бозорида долларга пуллайди. Бир килограмм жун учун чорвадорга 7—8 сўм миқдорда ҳақ тўланади. Ваҳоланки, бир килограмм жундан давлат корхонаси мато тайёрласа, палон сўмга сотади. Бу адолатданми? Бу муаммолар қайта таҳлил этилиб, чорвадорнинг заҳматли меҳнатига одилона баҳо бериш керак.

Муаммолардан яна бири Муборак зонасидаги экологик вазиятнинг таҳликалигидир. Воҳамизнинг юқори томонидан келаётган оқава ва шўр сувлар Қашқадарё орқали Муборак ерларига, Ўртачўл даштларига ўйламай-нетмай оқизилаётир. Бунинг натижасида ноҳия ҳудудидаги кўпгина пахтачилик совхозларига қарашли экин майдонларигина эмас, ҳатто яйловларнинг бир қисми ҳам шўрланиб кетмоқда. «Муборак» давлат наслчилик заводига қарашли яйловлар 216 минг гектарни ташкил этади. Шундан 30 минг гектардан зиёд даштни ҳозир оқава сувлар босиб, шўрланиб гиёҳ битмайдиган бўлиб қолган. Боз устига нефть-газ қидирув ва бошқа турли-туман ташкилотлар ҳам яйловларнинг ҳолати бузилишига сабаб бўлаётирлар. Ҳар хил техника воситаларининг юриши натижасида ҳосил бўлган сўқмоқлар жами яйловнинг ўндан бир қисмини ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Қазув ишлари туфайли бузилаётган яйловлар-чи?! Буларнинг ҳаммаси табиий ўтлоқларнинг кескин қисқариб боришига сабаб бўлаётир. Бу гапларни айтишдан мақсад мамлакатнинг ҳар бир онгли граждани аввало ўз бола-чақаси, келгуси авлодлари, халқлар тақдирини ўйлаб кўриши бизга ризқ-рўз, неъмат бераётган ана шу она заминни эъзозлаши керак. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви нафақат одамзодга, балки ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам катта зарар етказаётир.

Қорадолли, Ўтрор, Ширинбулоқ, Қўшработ яйловларини айланиб Муборакка қайтар эканмиз, биз шулар ҳақида ўйладик, яйловларнинг тақдирига ташвишга тушдик. Бу ерларда тикланган чўпон ўтовлари омонат эмасмикан, деб ўйлаб қолдик. Биз ҳам кўплар қатори даштларимизда, яйловларимизда қўйлар сурувининг, йилқилар уюрининг тўлиб юришини истаймиз, қадимий ўтлоқларимиздан қўзичоқларнинг майин маърашлари ҳамиша эшитилиб туришини, чўпон ҳайқириқларида мудом шодонлик, ўктамлик бўлсин, чўпон қароргоҳларида гулханлар гуриллаб, улар хонадонидан бахт ва шодлик аримасин, деймиз.

И. АМИРҚУЛОВ,
М. ПИРМАТОВ.

## ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ВАШИНГТОН. Бу ерда АҚШ маъмурияти билан АҚШга келган Европа иқтисодий ҳамжамияти олий вакиллари ўртасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари хусусида музокаралар бўлиб ўтди. Бу Вашингтон билан Брюссель ўртасида ҳар йили икки марта олий даражада маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги келишув доирасида ўтказилган биринчи музокарадир. Америка делегациясига давлат секретари Жеймс Бейкер, Европа ҳамжамияти делегациясига Европа иқтисодий ҳамжамияти комиссиясининг раиси Жак Делор бошчилик қилишди.

Учрашув тугаганидан сўнг мухбирлар билан қўшма учрашув чоғида АҚШ ташқи сиёсий маҳкамаси бошлиғи Шарқий Европа, жумладан у ерда рўй бераётган «сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни» музокаралар марказида бўлганлигини таъкидлади. Давлат секретарининг сўзларига қараганда, ушбу масала юзасидан фикрлашув «бу регион Қўшма штатлар ва Европа ҳамжамиятининг ҳамкорлик қилиши учун муҳимлиги ҳақидаги бизнинг умумий нуқтаи назаримизни» акс эттирди.

МАНАГУА. Никарагуа олий сайлов кенгашининг раиси Мариано Фиальос республика президенти мандатини Виолета Барриос де Чаморрога топширди. У шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган ялпи сайловда мамлакат олий давлат лавозимига сайланган эди. Вице-президент мандатини Вирхилио Годой олди.

Президентлик мандатини тантанали топшириш маросимида сўзга чиққан Виолета Барриос де Чаморро Никарагуада «демократияни ўрнатиш» босқичи бошланаётганини айтди. Виолета Барриос де Чаморро унинг ҳукумати миллий ярашга эришиш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди, деб таъкидлади.

БРЮССЕЛЬ. Ғарбий Европа иттифоқи кенгашининг Бельгия пойтахтида бўлиб ўтган сессияси одатдан ташқари— якунловчи баёнот қабул қилиш билан тугалланди. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари билан шуғулланишга ҳақли бўлган Ғарбий Европадаги бу ягона ташкилотнинг олий раҳбар органи иши тўғрисидаги расмий ҳужжат охирги марта 1987 йилда эълон қилинган эди.

Шарҳчиларнинг тахминларига кўра, бу унинг раҳбарияти иттифоқ фаолиятини кучайтиришга интилаётганидан далолат беради. Иттифоқ кўп йиллар давомида НАТОнинг соясида қолиб, унга фақат ғарбий уюшманинг «Европадаги таянчи» сифатида қараб келинди. Кейинги пайтда кўпгина шундай белгилар ҳам пайдо бўлдики, унга кирувчи тўққизта мамлакат — Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Испания, Италия, Люксембург, Португалия, ГФР — Ғарбий Европа иттифоқини фақат ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи бирлашма деб эмас, шу билан бирга Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотнинг воситаларидан бири деб ҳам билишмоқда. Буни баёнотнинг кенгаш Ғарбий Европа иттифоқининг бош секретарига «ўзаро ахборот айирбошлаш мақсадида» Шарқий Европа мамлакатлари билан алоқа ўрнатишни топширган банди ҳам исботлайди.

БОНН. Ўнг экстремистик ташкилот «Скинхедс» — «сочини қириб олдирганлар»нинг сурбетларча хатти-ҳаракати ГФР илғор жамоатчилигининг ғазабини қўзғатди. Маст бўлиб олган неонацистлар Ғарбий Германия пойтахти марказида ур-йиқит қилдилар. Улар йўловчиларга ташланиб, уларни шафқатсизларча калтакладилар ва тепдилар. Шундан кейин жазаваси тутган бу ёшлар автомобилларни ағдариб ташлашга, магазинлар ва жамоат муассасаларидаги ойналарни синдиришга киришдилар.

Бу ерга етиб келган полиция тартибсизликни бошлаб берганларни қамоққа олишга муваффақ бўлди. Тахминан 15 неонацистдан иборат гуруҳ қўлга олинганларни озод қилишга уриниб кўрди. Бироқ полициянинг кучайтирилган нарядлари шаҳардаги осойишталик ва тартибни тиклашга эришди, деб хабар берди ДПА ахборот агентлиги.

(ТАСС).



АВСТРИЯ. Вена — ҳаворанг байроқ билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги муҳим фаолияти амалга ошириладиган учинчи (Нью-Йорк ва Женевадан кейин) шаҳардир. Бу ерда БМТнинг марказий муассасалари, шунингдек МАГАТЭ, ЮНИДО каби йирик халқаро ташкилотларнинг штаб-квартиралари жойлашган.

СУРАТДА: БМТнинг Венадаги марказий биноси. Ҳадемай ўн йиллигини нишонлайдиган Дунай бўйидаги бу осмонўпар иморатлар 180 минг квадрат метр майдонни ишғол этган.

АДН—ТАСС сурати.

